O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 11-fevral • Payshanba • 18 (30.138) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Президент Сеулга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10 февраль куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

Ислом Каримов Сеулга келди

Сеул. 10 февраль. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрига етиб келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 11 февралга белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон — Корея муносабатларига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

Франция Сенатида Ўзбекистондаги парламент сайлови якунларига бағишланган брифинг

Франция Сенатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган маърузаси ҳамда мамлакатдаги парламент сайловлари якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси, «Франция-Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Брифингда Франция Миллий ассамблеяси сенатор ва депутатлари, «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи аъзолари, Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида Франциядан иштирок этган кузатувчилар ҳамда эксперт ва маданий-гуманитар доиралар вакиллари қатнашди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз парламентидаги маърузасининг асосий мазмуни ҳамда Қонунчилик палатасига сайловларнинг якунлари билан батафсил таништирилди.

Дўстлик гуруҳи раиси А.Дюле ўз чиқишида Франция парламенти номидан Ўзбекистон томонини парламент сайловларининг муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади ва унинг натижаларидан мамнун эканини билдирди. Унинг сўзларига кўра, мамлакатнинг сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа — Қонунчилик палатасига сайловлар Ўзбекистонда юқори малакали даражада ва халқаро демократик андозаларга мос равишда ўтказилди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасида парламент сайловлари кўппартиявийлик асосида ва мамлакатнинг исталган ҳудудига бориши ва ўз кузатувчилик вазифасини ўташи мумкин бўлган кўп сонли халқаро кузатувчилар иштирокида ўтказилгани асосий эътиборга сазовордир.

А.Дюле Президент Ислом Каримовнинг парламент палаталари қўшма йиғилишидаги маърузасини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини ва ушбу ҳужжат дастурий хусусиятга эгалиги, мамлакатдаги асосий сиёсий ва иқтисодий воқеаларни ўзида акс эттиришини, шунингдек, унда Ўзбекистон парламенти келгуси фаолиятининг истиқболлари аниқ ва равшан белгилаб берилганини таъкидлади. Илгариги парламент фаолият олиб борган даврда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай муҳит яратиш каби масалалар кўзда тутилган қонунчилик ҳужжатларининг бутун бошли бир мажмуаси қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)



Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан «Партия нашрлари фаолиятини юксак талаблар даражасига кўтариш — долзарб вазифа» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Партия нашрлари

фаолиятини юксак талаблар даражасига кўтариш — долзарб вазифа

Тадбирда мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган танқидий-таҳлилий фикрлар, илгари сурилган ғоялардан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари кун тартибидаги масала юзасидан фикр алмашдилар, баҳс юритдилар.

— Бугун ҳаётнинг ўзи сиёсий партиялар ўртасидаги сайловолди беллашуви, ғоя ва дастурлар курашини изчил давом эттириш заруратини қўймоқда, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Айтиш мумкинки, сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат қанчалик жиддий, асосли бўлса, жамиятимизнинг муайян ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг дастурий вазифалари амалга ошишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

— Президентимиз томонидан қўшма мажлисда сиёсий партиялар газеталари ҳақида билдирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб олмоғимиз зарур. Партиявий нашрларни партиялараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантиришга эришиш учун аввало электоратни ташвишга солаётган, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммоларни чуқур билишимиз талаб этилади, — деди «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов. — Партия нашрларининг дадиллиги, таъсирчанлиги, аввало, журналистларимизнинг сиёсий билими, маҳорати ва масъулиятига боғлиқ.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг информацион дастурлари муҳаррирлари, сиёсий шарҳловчилари, NTTнинг «Ҳудуд» ахборот дастури ижодий ходимлари, Ўзбекистон Миллий ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, «Жамият», «Uzbekistan today» газеталари ижодий ходимлари ва бошқа журналистлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ОАВ билан алоқаларини ривожлантириш, партиявий нашрлар фаолиятини кучайтириш масалалари юзасидан таклифлар билдиришди.

Давра суҳбати иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида батафсил танишишингиз мумкин.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Маърифатли оилада комил инсон улғаяди

2

Вайроналар остида 27 кун

3

Тадбиркор солиққа оид қонун талабини бузди. Оқибатда...



4

✔ 2010 йилда мамлакатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Шофирконда шинам уйлар қурилмоқда

Президентимизнинг Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш кўламини кенгайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Шофиркон туманида ҳам намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар бунёд этишга киришилди.

— Султон Жўра номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 4,7 гектар ер майдони танлаб олинди, — дейди туман ҳокимининг биринчи муовини, ЎзХДП фаоли Абдураҳмон Шарипов. — Ҳозир Мирзоқул ва Халажиён қишлоғи аҳолисидан 340 миллион сўмдан ортиқ бошланғич бадалларни тўлаган фуқаролар учун ҳар томонлама шинам уй-жойлар қурила бошланди.

Ҳар бирининг ўртача қиймати 60 миллион сўм бўлган 20 та янги уй мустақиллик байрами арафасида ўз эгаларига топширилади.

Даврон БАҲРОНОВ

Ижодкор ёшларни излаб...

Хоразм вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти Баркамол авлод йили муносабати билан олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари ўртасида «Энг яхши мақолалар» танловини эълон қилди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими раиси Дилшод Салаев, — ёшларни инсонийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг маънавий тафаккурини юксалтириш, билим ва маданий савиясини кўтариш ва шу аснода талабаларнинг бўш вақтида ижодий меҳнат билан шуғулланишга қизиқтиришдан иборат.

Танловда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган талабалар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, спорт, ҳуқуқий ва тарихий мавзуларда вақтли матбуотда чоп этилган мақолалари билан иштирок этишлари белгиланган. Танлов бир босқичда ўтказилиб, Матбуот ва оммавий-ахборот воситалари ходимлари кунида якунланиши кўзда тутилган. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлимига танлов билан боғлиқ мурожаатлар сони кундан-кун ошиб бораётгани талаба ёшлар ўртасида ушбу ташаббус катта қизиқиш уйғотганини кўрсатмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

...Электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партиялараро қизғин баҳс-мунозаралар минбарига айлантириш зарур».

ЎзХДП: Электорат манфаати

Ирода ва ишонч

Ўзаро кўмак, меҳр-мурувват кўрсатиш инсоний фазилат саналади. Бундай олижаноб анъаналар, азалий қадриятлар кейинги йилларда янада сайқалланиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиб бормоқда. Буни тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб қолган инсонлар қонуний асосда ҳимояга олиниб, уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистоннинг илк қонунларидан бири «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (1991 йил 18 ноябрь) экани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг Наманган вилоят бўлими ҳисобидаги 54 минг 593 нафар аъзонинг қарийб 10 минг нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Баркамол авлод йилида улар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида бошқарув раиси Дилмурод Азимов билан суҳбатлашдик.

— Энг аввало шуни айтиш лозимки, яқинда Наманган шаҳрининг марказий ҳудудидан жамиятимизга бошқарув идораси қуриш учун ер ажратилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят кенгаши жамиятимиз моддий-техник базасини кенгайтириш борасида амалий ёрдам кўрсатди. Жамиятимизнинг Учқўрғон, Чортоқ, Уйчи туманлари ва Наманган шаҳри ҳудудий бўлимларининг иш фаолияти янада яхшиланди. Иқтисодий имкониятлари йўлга қўйилди.

2-бет »

Франция Сенатида Ўзбекистондаги парламент сайлови якунларига бағишланган брифинг

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Президенти маърузаси ҳақидаги ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, **«Pantheon-Assas Paris II» университети профессори Ж.Барра** унда мамлакат раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, мамлакатда молиявий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш бўйича ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалийлиги ҳамда ушбу йўналишда парламентнинг муҳим ўрин тутгани ҳақида сўзлади. Ж.Барра маърузада акс эттирилган учта асосий жиҳатни қайд этади: «**Биринчиси,** Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатда парламент сайловларининг муваффақиятли ўтказилгани; **иккинчиси**, сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, уларнинг жамиятдаги аҳамиятини мустаҳкамлаш ва ошириш; **учинчиси,** аввалги парламентнинг муваффақиятли фаолияти.

Қонунчилик органи аслида ҳам, суд-ҳуқуқ тизимининг, албатта, 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг бекор қилиниши кўринишидаги либераллаштирилиши соҳасида эришилган амалий натижаларга берилган юксак баҳога муносибдир. Тан олиш керакки, Ўзбекистондек дунёвий, бироқ мусулмон мамлакатда бу демократия сари жуда катта қадамдир.

Ўзбекистон Президенти маърузасида афғон масаласига ҳам ҳар томонлама тўхталиб ўтилган. Халқаро ҳамжамиятнинг афғон муаммосини тартибга солиш муаммосини тартибга солишда минтақадаги асосий ўрин тутувчи ва Ғарб учун ўта керакли давлат саналади. Биламизки, Ўзбекистон афғон халқига электр энергияси етказиб бериш ва Термиз-Ҳайратон-Мозори Шариф йўналишидаги темир йўлни қуриш орқали катта ёрдам кўрсатиб келяпти».

Франциялик олим, шунингдек, ўзининг Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштироки давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашди: «Мен Тошкентда жойлашдим ва ўзим овозларни санаш жараёнларида қатнашишни истаган сайлов участкаларида бўлдим. Ўтган сайлов билан солиштирганда, ривожланиш шундоқ кўзга ташланади. Кўрдимки, ёшлар ва хотин-қизлар учун бирдек тенг ҳуқуқ яратилган ва бу, менинг назаримда, мамлакатнинг демократик ривожланишидан далолатдир. Сайлов участкаларида овоз бериш учун зарур барча шароитлар яратилганди».

Миллий мудофаанинг олий тадқиқотлари институти Осиё бўйича эксперти Ален Ламбалнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари жараёнларида мамлакатнинг турли воҳаларида жойлашган исталган сайлов участкасига кириш мумкин эди, бу борада ҳеч қандай чекловлар кузатилмади:

— Кузатувчи сифатида мен Фарғона водийсига бордим, аниқроғи, Наманган, Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида бўлдим. Сайловлар Фарғона водийсида осойишта ўтди. Афғонистондаги мураккаб вазият туфайли минтақада бироз кескинлик мавжудлигига қарамай, Ўзбекистонда аҳвол мутлақ барқарор ва хавфсиз. Бир қатор сайлов участкаларида бўлиб ва овозларни санашда иштирок этиб, мен бирон-бир қонунбузарликни кўрмадим. Ишонч билан айтишим мумкинки, собиқ совет маконидаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон мамлакатни демократлаштириш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан ютуқларга эришди.

«Les milieux des Empires» («Салтанатлар муҳитида») электрон таҳлилий журнали бош муҳаррири С. д'Изарн:

— Ўзбекистондаги парламент сайловларида иштирок этган кузатувчи сифатида, энг аввало, сайловларнинг юқори даражада ташкил этилганини таъкидлашни истардим. Мен бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Ҳаммадан кўра кўпроқ мени ҳар бир сайловчига қилинган самимий муомала, энг чекка участкаларда ҳам сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари ҳақида маълумотлар берадиган ёрдамчи адабиётларнинг, болалар учун ҳамда тасодиф равишда кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиши учун махсус хоналарнинг мавжудлиги ҳайрон қолдирди.

Мен Тошкентда, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида бўлдим. Жойларда сайловчилар билан бемалол суҳбатлашдим. Бошқа халқаро кузатувчиларни ҳам сайловларнинг юқори даражада ўтгани, сайловчиларга ҳар бир сиёсий партия дастури ва уларнинг номзодлари ҳақида маълумотлар берилиши, сайловларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича исталган қўшимча маълумот олиш имконияти мавжудлиги ҳамда сайловда қатнашаётган ҳар бир номзодга овоз берилишининг дастлабки натижалари ҳақидаги ахборотлар онлайн тизимида бериб борилиши ҳайратга солди.

Ўзбекистондаги парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **Франция Илмий тадқиқот миллий маркази директори П-Г.Фурние** ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

— Биринчи навбатда сайловларга тайёргарлик, уларнинг ташкил этилиши ва ўтказилишининг юқори даражада эканлигини қайд этишни истардим. Мен сайлов якунида овозларни санаш жараёнларида иштирок этдим. Сайловлар очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик тамойилларига мос ҳолда, қонунбузарликларсиз ва барча меъёр ва қоидаларга мувофиқ тарзда ўтди.

— Брифингда Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги маърузасининг асосий моҳияти билан танишдик, — дейди **Франция Сенати вице президенти, «Франция-Марказий Осиё» парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Моник Папон.** — Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган дастурий вазифаларни амалга ошириш, шубҳасиз, мамлакатни янада демократлаштириш ва ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилади.

Мен бундан икки йил олдин Ўзбекистонга бориш шарафига муяссар бўлганман. Ташриф доирасида парламент соҳасида икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи бўйича фойдали фикрлар алмашилишига доир учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбек халқининг самимийлиги ва меҳмондўстлигини, мамлакатингиздаги афсонавий тарихий шаҳарларнинг ўзига хослиги ва табиий гўзаллигини алоҳида қайд этишни истардим.

Сайловларда иштирок этган франциялик кузатувчиларнинг фикрларига кўра, Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш бўйича Францияда ҳам ўрганиш ва қабул қилиш фойдали бўлган амалий тажриба мавжуд. Масалан, сайлов участкаларини шакллантиришда ота-оналари овоз бераётган пайтда кичик ёшдаги болалар парвариши учун алоҳида хоналар ташкил этилиши — ўрганишга моликдир.

Ўзбекистон ва Франция ўртасида икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилган. Шу ўринда биз Ўзбекистон парламенти янги таркиби аъзоларидан иборат делегациянинг Францияга ташрифига тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратамиз.

— Биз Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида Франциядан иштирок этган кузатувчиларнинг ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг жуда ҳам яхши ташкил этилганлиги ҳақида сўзлаб беришганини тасдиқлашдан мамнунмиз, — **дейди «Яшиллар» партияси вакили, сенатор Жан Десесард.** — Уларнинг ишонтиришларича, сайловлар тўлалигича халқаро демократик тамойиллар муҳим ўрин тутган миллий қонунчиликка мос тарзда ўтказилди. Франция сенаторлари Ўзбекистонда демократия тамойилларига риоя этилаётганига ишонтиришди.

Сайлов кампанияси ҳақида гапирганда Қонунчилик палатасига 15 нафар депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан сайланиши ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бу Ўзбекистон ҳукумати томонидан экология ва атроф-муҳит масаласига катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Ушбу депутатлар бутун Марказий Осиё минтақаси бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган экологик масалалар билан шуғулланишади. Барча ривожланаётган демократик давлатларда атроф-муҳит масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон бу борада муваффақият қозонганини қайд этган бўлардим.

«Жаҳон» АА,
Париж

Ирода ва ишонч

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ўзининг электорати, деб эълон қилгани, бизнинг манфаатимиз учун курашиб келаётгани жамиятимиз аъзоларини беҳад мамнун этади. Бугунги кунда партиянинг вилоят ташкилотлари билан ҳам доимий ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. ХДП илгари сураётган ғояларни қўллаб-қувватлаб, жамият аъзоларининг кўпчилиги ўз эътиқодини айнан шу партия билан боғлаган.

— Ўтган йили таклиф этилган лойиҳаларингиз учун 7 миллион сўмлик давлат гранти ажратилганидан кўпчилик хабардор...

— Ҳа, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида замонавий компьютер жиҳозларига эга бўлиб, ногирон ўсмир-ёшлар учун ўқув марказлари ташкил этдик. Ўтган даврда уч ой муддатли ўқув курсларини 28 нафар йигит-қиз тамомлаб, сертификат олди.

Талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, тақдим этган лойиҳаларимиз асосида яқинда айнан шу йўналишдаги мақсадлар учун яна 6 миллион 330 минг 400 сўм миқдорида давлат грантига эга бўлдик. Худди шундай грантларни жамиятимизнинг Учқўрғон туман ҳудудий бўлими ҳам қўлга киритди. Уларга 6 миллион 998 минг 400 сўм миқдорида грант ажратилди. Ушбу маблағлар жамият олдига қўйилган мақсадларни самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамай интеллектуал салоҳияти ва интилишлари билан фаолларимиз вилоятнинг энг илғор ёшлари сафида намуна кўрсатиб келаётгани бизни хурсанд қилади.

Масалан, Абдували Умрзоқов протезда юради. Моҳир ҳисобчи. Шу билан бирга, у жамиятимиз қошида ташкил этилган 14 та шўъба корхонадан бирида ногирон ёшларга компьютерда ишлаш бўйича сабоқ беради. Ёки 2-гуруҳ ногирони Матлуба Абдуғаниева «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимидаги бир қатор кўрик-танловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда у мамлакатимизнинг энг фаол ёшлари сафида бир ҳафталик махсус ўқув машғулотларида таҳсил олиб қайтди. Энди олган билими, тўплаган тажрибасини тенгдошларига ўргатиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга сарфламоқчи. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Ногирон ўсмир-ёшларнинг таълим-тарбияси масаласида ҳам тўхталсангиз.

— Бу борада барча учун етарли шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Шунингдек, бизнинг жамиятимизга тааллуқли ногирон болаларнинг 927 нафари уй шароитида — якка тартибда, 1207 нафари махсус мактабларда, 3605 нафари ўрта мактабларда таълим олмоқда. 88 нафар ногирон ўсмир Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги Фарғона ва Тошкент шаҳарларида жойлашган махсус касб-ҳунар коллежларида таҳсил олмоқда.

Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан иш сўраган ногирон ёшлар уй меҳнати ва оилавий бизнесни ташкил этиш йўли билан қўллаб-қувватланмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсад-мазмунидан келиб чиқиб, жамиятимизнинг шаҳар ва туман ҳудудий бўлимлари томонидан махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, «Истеъдодларни излаймиз», «Юрагимда Ватан мадҳи», «Юртим манзаралари», «Мен озод ва обод юрт фарзандиман» каби мавзуларда кўрик-танловлар ўтказилади, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» мавзуида ҳунармандчилик кўргазмалари ташкил этилади. Янги олинган грант бўйича компьютер ўқув марказлари фаолиятини кенгайтирамиз. Шунингдек, уста-шогирдлик анъаналари асосида ҳунармандчиликнинг чеварчилик, дурадгорлик йўналишларига ёшларни кенг жалб этиш кўзда тутилган.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

2010 йил — Баркамол авлод йили

Маърифатли оилада комил инсон улғаяди

Ҳар томонлама соғлом, етук, фозил авлодни тарбиялаш кўпдан-кўп идора ва ташкилоту муассасаларга боғлиқ

Хўш, ёш оилалар-чи? Фарзанд тарбиясида улар нималарга эътибор қаратмоғи керак? Янги турмуш қурган ёшларга жамоатчилик қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири Лайло САФАРОВА бу ҳақда фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Оила жамиятнинг энг қуйи бўғини, унинг тараққиётини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Шунингдек, оила халқ ва жамият ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Ўз бағрида фарзандларни тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириб, бошланғич ижтимоий йўналиш беради.

Бугун қурилаётган ёш оилаларда келгуси авлодимиз улғайиб, вояга етади. Шу боис ҳам оила авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, фарзандлар камолга етадиган муқаддас маскан сифатида қадрланади.

Истиқлол йилларида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий истиқболига алоҳида эътибор қаратилди. Конституциямизда алоҳида «Оила» боби бўлиб, унда оиланинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояланган. Шундан келиб чиқиб, азалий анъаналаримизни ўзида мужассам этган кўплаб янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилди. Бир сўз билан айтганда, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Жумладан, 2004 йил 25 майда «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2007 йил 18 майда «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2009 йил 13 апрелда «Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида» қарор ва фармонлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда оилавий муносабатлар ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури» ҳамда «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги қарори оила ва турмушга нисбатан масъулиятни тубдан кучайтиришга хизмат қилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бугун биз ёш оилалардаги маънавий, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун астойдил курашишимиз керак. Бунда маърифатнинг ўрни беқиёс. Маърифатли оилада баркамол шахс вояга етади.

Бинобарин, мазкур ҳужжатлар оилаларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш ва ёшларда аждодларимиз меросига, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат, истиқлолга фидойилик, ватанпарварлик туйғусини таркиб топтириш, миллий ғурурни шакллантириш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, оила қонунчилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишга ундайди, бўлажак келин-кўёвларни оилавий ҳаётга тайёрлайди.

Яна шуни айтиш лозимки, жойларда оила ва никоҳ мустаҳкамлиги мавзуида тарғибот ишларининг сифат ва самарасига янада эътиборни кучайтиришимиз лозим. Жумладан, туманимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар ўртасида «Оила — муқаддас даргоҳ», «Соғлом она — соғлом бола», «Репродуктив саломатлик», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти» каби мавзуларда ташкил этилаётган тадбирлар оилага масъулият ҳиссини оширишга қаратилган. Айниқса, «Баркамол авлод — барқарор оилада камол топади» мавзуида ташкил этаётган тадбирларимиз аҳоли орасида катта қизиқиш уйғотяпти. Оила қуриш ёшидаги йигит-қизларимиз «Бугуннинг оиласи қандай бўлиши керак?», «Замонавий оила» тўғрисида қизғин баҳс-мунозаралар юритяпти.

Нарпай тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорликда Қоракўл қишлоқ «Беклар» маҳалласида «Оилада баркамол авлодни тарбиялаймиз» мавзуида «Баркамол ёшлар келажагимиз» хусусида очиқ мулоқот ўтказилди. Аҳоли билан учрашувларда баҳс-мунозаралар шуни кўрсатдики, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамиятини билмоғи, оилада биринчи кундан бошлаб соғлом муҳит яратиш учун курашмоғи лозим. Бу эса мана шундай суҳбатларда қайта-қайта уқтирилади.

Оила — шажараларимизнинг боқийлиги, софлиги, авлодларимизнинг баркамоллигини таъминловчи қутлуғ бир макон. Мустаҳкам ва барқарор никоҳ эса авлодимизнинг баркамоллиги, хонадоннинг файзи, барокати, фаровонлик илдизидир.

Саида САЙХУН
ёзиб олди.

Хорижда

Оралиқ фарқ

3,47 фоиз

Украина марказий сайлов комиссияси якшанба куни бўлиб ўтган иккинчи тур президент сайлови сайловчиларининг 99,91 фоиз бюллетенлари ҳисоб-китобини қилиб чиқди. Унинг натижаларига кўра, президентликка номзод, «Регионлар партияси» етакчиси Виктор Янукович учун 48,95 фоиз сайловчи овоз берган бўлса, иккинчи номзод, бош вазир Юлия Тимошенкони 45,48 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган. Ўртадаги фарқ 3,47 фоизни ташкил этмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг расмий маълумотларига қараганда, 4,36 фоиз сайловчи иккала номзоддан бирортасини қўллаб-қувватламаган. 1,19 фоиз бюллетен эса маълум сабабларга кўра, ҳақиқий эмас, деб топилди.

Украина қонунчилигига мувофиқ сайловнинг иккинчи турида ким кўп овоз олган бўлса, ўша номзод ғолиб саналади ва президентликка сайланади. Аммо Юлия Тимошенко «Юлия Тимошенко блоки» фракциясининг ёпиқ мажлисида Виктор Януковичнинг ғалабасини тан олмаслигини, сайлов натижаларини рад этиб, қайта ҳисоб-китоб қилинишини талаб этишини билдирди. Бироқ фракциянинг бир гуруҳ аъзолари В. Янукович ғалабасини тан олиш лозимлигини ва Ю. Тимошенко мухолиф позицияга ўтиши лозимлигини таъкидлашди.

«Регионлар партияси»нинг парламентдаги депутати Нестор Шуфричнинг айтишича, Ю. Тимошенконинг В. Янукович ғалабасини тан олмаслиги Януковичнинг инаугурация жараёнини кечиктириб юборади холос.

Ю. Тимошенконинг позициясига ҳатто халқаро кузатувчилар ҳам ҳеч қандай муносабат билдирмадилар. Улар иккинчи тур сайловлари ҳаққоний ўтганлигини тан олдилар.

«Новости» АА хабар беришича, Украина марказий сайлов комиссияси сайловнинг якуний натижаларини мамлакат қонунчилигига асосан 10 кундан сўнг, яъни 17 февралда эълон қилмоқчи. Бир ойдан кейин эса инаугурация маросими ўтказилади.

27 кундан кейин

тирик ҳолда топилди

Гаитида кучли зилзила юз бергандан кейин 27 кун ўтгач, вайроналар остидан 28 ёшли йигит Эван Мунси тирик ҳолда топилди, дея хабар беради «CNN».



Эван Мунси зилзила юз берган куни, яъни 12 январда бозорда шоли сотаётган эди. Зилзила натижасида бозор қулаб, кўплаб одамларни босиб қолган.

Шифокорлар бу йигитнинг қандай тирик қолганига ҳайрон қолишмоқда.

Мунсига жиддий шикаст етмаган, аммо очлик ва сувсизликдан жуда силласи қуриган.

Охирги марта вайроналар остидан тирик одам зилзиладан кейин 15 кун ўтгач топилган эди. 17 ёшли бу қизнинг оёғи шикастланганини ҳисобга олмаганда, соппа-соғ, фақат очлик ва сувсизликдан ҳолсизланганди холос. Энди 27 кундан кейин тирик одамнинг топилиши чиндан ҳам мўъжизанинг ўзи. Шу важдан ҳам шифокор-мутахассислар Мунсини синчиклаб текширмоқчи ва инсон организмининг бардошлигини ўрганишмоқчи.

Совместное Узбекско — Российское предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью «METEKS PLUS», зарегистрированное Министерством юстиции РУ 1 июля 2005 года №463 (ИНН 205734747 ОКОНХ 15320) преобразуется решением учредителей (протокол № 17 от 25 января 2010 года) в общество с ограниченной ответственностью «BOX LUXE».
Претензии принимаются в течении 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по телефону 274-20-15.

◆◆◆ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ◆◆◆ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ◆◆◆ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ◆◆◆ РЕКЛАМА

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот 3-1. Ангор туманидаги узунлиги 66,625 км бўлган «К-2-18» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 242,002 млн. сўм, қурилиш муддати — 6 ой.

Лот 3-2. Денов туманидаги узунлиги 24,757 км бўлган «Андижонсой» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 134,738 млн. сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

Лот 3-3. Жарқўрғон туманидаги узунлиги 30,765 км бўлган «Минор-М» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 126,783 млн. сўм, қурилиш муддати — 5 ой.

Лот 3-4. Қизириқ туманидаги узунлиги 35,86 км бўлган «К-2» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 135,413 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

Лот 3-5. Қизириқ туманидаги узунлиги 21,145 км бўлган «К-4» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.
Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғисиз — 89,112 млн. сўм, қурилиш муддати — 4 ой.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.
Тел/факс: (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Вниманию организаций и предприятий!

Нижне Зарафшанская Гидрогеолого-Мелиоративная Экспедиция.
ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту:
«Ремонтно-восстановительные работы по системе межхозяйственного коллектора «Ташлама 2» Хатирчинского района Навоийской области».
Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС 386 292 079 сум.
Срок окончания работ, установленных заказчиком 8 месяцев.
Заказчик Нижне Зарафшанская Гидрогеолого-Мелиоративная Экспедиция.
Расположенный г.Навоий, ул Низомий-24.
Финансирование осуществляется за счет средства Мелиоративного фонда Республики Узбекистан.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному, объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул.С.Айний — 32, тел. (8436) 225-53-85, 225-52-38.**

Стоимость одного комплекта документов 70 000 сум.
Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул. С.Айний-32. тел. (8436) 225-53-85.
Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №1, 2010 года на приобретение оборудования по ниже следующим лотам согласно графика поставки (2 квартал 2010 года).
Лот №1. Пресс малогабаритный специальный для испытания контрольных образцов сварных рельсовых стыков в количестве 1 единицы.
Лот №2. Тянущий транспортер с частотно-регулируемым приводом для плавной подачи, перемещения и точной остановки рельсовой плети в количестве 1 единицы.
Лот №3. Машина контактно-стыковой сварки рельсов в количестве 1 единицы.
За тендерной документацией обращаться по адресу : г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7. ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410 тел : 237-94-72, 237-96-33, тел-факс 140-00-23.
Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования объявления в средствах массовой информации.

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

ИНЖИНИРИНГОВАЯ КОМПАНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОГО ОБЛХОКИМИЯТА
объявляет конкурсные торги на :

Капитальная реконструкция призывного пункта Чиракчинского района Кашкадарьинской области

Стартовая стоимость: (без НДС) — 480 354 827 сумов
(с НДС) — 576 425 792 сумов.
Срок завершения строительства — 120 дней.
Заказчик: Инжиниринговая компания Кашкадарьинского облхокимията.
Адрес: г.Карши, ул. «Узбекистон овози» газетаси, дом 3.
Тел./факс: 227-13-51, 227-18-51.
Финансирование осуществляется за счет госбюджета.
Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании заказчика по вышеуказанному адресу.

ГИДРОГЕОЛОГО-МЕЛИОРАТИВНАЯ ЭКСПЕДИЦИЯ ПРИ АМУ-КАШКАДАРЬИНСКОМ БАССЕЙНЕ УПРАВЛЕНИЯ ИРРИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ
объявляет конкурсные торги на :

Лот № 3-1. Ремонтно-восстановительные работы по системе коллектора «Дашт» Каршинского района Кашкадарьинской области. Протяженность — 93,096 км.
Срок завершения строительства — 9 месяцев. Стартовая стоимость — 721 082 038 сумов.
Лот № 3-2 Ремонтно-восстановительные работы по системе коллектора «К-3» Миришкорского района Кашкадарьинской области. Протяжённость — 56,87 км (2-этап).
Срок завершения строительства — 6 месяцев. Стартовая стоимость — 292 788 453 сумов.
Лот № 3-3. Ремонтно-восстановительные работы системы коллектора «СВ-1» Миришкорского района Кашкадарьинской области (1-этап).
Срок завершения строительства — 7 месяцев.
Стартовая стоимость — 553 561 538 сумов.
Заказчик: Гидрогеолого-мелиоративная экспедиция при Аму-Кашкадарьинском бассейне управления ирригационных систем.
Адрес: г.Карши, пос. Гидроузел. Телефон: (375)226-01-78.
Финансирование осуществляется за счет Фонда по орошению и улучшению мелиоративных земель при Министерстве финансов.
Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании заказчика по вышеуказанному адресу.

Предприятия и организации выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям:

иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — в Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по адресу: г.Карши, Ханабадское шоссе, дом 46а. Тел/факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33. Стоимость одного комплекта документов — 70 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт.

СПОРТ ↘ СПОРТ

14-20 февраль кунлари пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадиий гимнастика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади.

Нафосат маликалари Тошкентга келади



Мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўндан ортиқ давлатидан уч юз нафарга яқин нафосат маликалари ғолиблик учун кураш олиб бориши кутилмоқда. Чемпионатда энг яхши натижаларни кўрсатган қизлар шу йилнинг ёзида Сингапурда илк маротаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган Бутунжаҳон Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритишади.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг бошида Осиё гимнастика федерацияси (AGU) вице-президенти Раҳмон ал-Шаҳрий бошчилигидаги делегация пойтахтимизга ташрифи чоғида юртимизда ушбу спорт турини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишганди. Жумладан, гимнастикага мўлжаллаб барпо этилган «Универсал» спорт саройида яратилган шарт-шароитларга юксак баҳо бериб, Осиё чемпионати юқори савияда ўтказилишига ишонч билдирган эди.

Ўтган давр мобайнида «Универсал» спорт саройида Осиё чемпионатига катта ҳозирлик кўрилди. Хусусан, замонавий иситиш ва совутиш тизими ўрнатилди. Бадиий ва спорт гимнастикаси анжомлари, махсус гиламлар билан таъминланди. Чемпионат олдидан тўртта қўшимча хореография зали, уч минг етти юздан зиёд томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, спортчилар учун кийиниш, ювиниш ва массаж хоналари, ўқув-машғулот йиғини учун меҳмонхона, ошхона тўлиқ жиҳозланди. Спорт саройи миллий услублар асосида безатилди.

Қисқа қилиб айтганда, салкам бир ҳафта мобайнида юртимиз бадиий гимнастика мухлислари Осиёнинг энг кучли нафосат маликалари маҳоратидан баҳраманд бўлишади.

Олимпиячиларимиз Ванкуверга жўнаб кетишди

Эртага Ванкувер (Канада)да навбатдаги қишки Олимпия ўйинлари бошланади. Унда дунёнинг саксондан ортиқ давлатидан келган беш минг нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун кураш олиб боради.

vancouver 2010

Ванкувер олимпиадасида Ватанимиз спортчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш этишади. Жумладан, муз устида нафис учиш бўйича Анастасия Гимазетдинова, тоғ чанғиси бўйича Олег Шамаев ҳамда Ксения Григорьевалар майдонга тушади.

Куни кеча Ўзбекистон спорт делегацияси мусобақаларда иштирок этиш учун Ванкуверга жўнаб кетишди. Эслатиб ўтамиз, қишки Олимпия ўйинларида спортнинг 15 тури бўйича баҳслар ўтказилади.

Эркин ХОЛБОБО

Ватан ҳимояси — олий шараф

Андижон вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув пунктида йигитлар муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатилмоқда. Уларга жамоатчилик вакиллари ва отаоналар оқ йўл тиламоқдалар.

Шуҳрат Олимов (ЎзА) олган суратлар

Суратларда: Андижон вилояти чақирув пунктида муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимидан лавҳалар.

Об-ҳаво

11 февраль

Тошкент —	3°С
Самарқанд —	3°С
Нукус —	-2°С
Қарши —	5°С
Урганч —	-2°С
Навоий —	3°С
Фарғона —	2°С
Бухоро —	3°С
Андижон —	2°С
Наманган —	2°С
Термиз —	6°С
Жиззах —	3°С
Сирдарё —	3°С

Лондон —	0°С
Париж —	-4°С
Москва —	-24°С
Мадрид —	-3°С
Пекин —	-6°С
Гонконг —	-6°С
Рим —	-3°С
Анқара —	0°С
Токио —	-8°С
Стокгольм —	-6°С
Претория —	17°С
Қоҳира —	12°С
Гавана —	9°С
Вашингтон —	-4°С
Нью-Йорк —	-6°С

Навоийхонлик

Шу кунларда мамлакатимизда Навоийхонлик кунлари давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 48-мактабда бўлиб ўтди.

— Навоий асарлари ёшларимиз маънавиятини бойитишга хизмат қилади, — дейди мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Саодат Тожиева. — Шоир ижодини ўрганиш учун фақат адабиёт фани дарслари билан чекланиб бўлмайди. Шу боис, ўқувчиларимиз билан синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар, тарбиявий соатлар, турли бадиий кечалар ва учрашувлар уюштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Унга маҳалла фаоллари ҳамда отаоналарни таклиф этаяпмиз.



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

— Тиббиёт масканларида —

Шифо истаб... узоққа бормайсиз

Тўдамайдон қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Шарип ака Иброҳимов одамларнинг миннатдорлигини айтиб, адо қилолмайди:

— Энди, ука, иссиқ жоннинг иситмаси бўлади-да. Беморнинг шундан Чоршанба қўрғонидаги ёки Шаҳрисабз шаҳридаги поликлиникаларга бориши осон дейсизми? Камида йигирма беш, ўттиз километр йўл босиши керак. Ҳукуматимизга раҳмат, «Оқ олтин» қишлоғимизда замонавий Қишлоқ врачлик пунктини қуриб, энг яхши ускуналар билан жиҳозлаб берди. Битта шу қишлоғимизда 1,5 минг, қолган саккизта қишлоқни ҳам қўшсак, 14 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг ҳаммаси ана шу шифохона хизматидан баҳраманд.

Анча йилдан буён фуқаролар йиғинида ишлаётган Шарип Иброҳимов қишлоқларнинг баланд-пасти, одамларнинг эҳтиёжларини яхши билади. У кишининг қишлоқ врачлик пункти ҳақидаги фикрлари ҳам жўяли эди. Чунки бу ҳудуддаги қишлоқлар Шаҳрисабз шаҳридан анча олисда, тоғларга яқин, қирадирлар бағрида. Шунинг учун ҳам ушбу шифо маскани ниҳоятда хайрли вазифани адо этаяпти.

Пункт биноси кўркам, даволаш турига кўра хоналар тўла жиҳозланган. Айниқса, алоҳида лаборатория борлиги, қон ва бошқа таҳлиллар шу жойда бажарилаётганлиги, зарур ускуналар тўла-тўкис эканидан одамлар мамнун. Беморлар ҳар куни ўзларига қулай вақтда муолажага қатнашади. 4 нафар бемор ётиб даволаниши учун алоҳида хона бор.

Одамлар бирин-кетин келиб-кетишарди. Тиш касалликлари хонасида замонавий тиббиёт ускунаси ўрнатилган. Аммо менинг ҳеч тиш дўхтирига ишим тушган эмас.

— Ҳа, унда омадли ва соғлом инсон экансиз, — кулади тиш касалликлари дўхтири Хайриддин Ашуров.

— Очиғи, кўпчилик ёшликдан тиш парваришига етарли эътибор бермайди. Тишни мустаҳкамлайдиган қальцийли таомлар, мевалар, дармондорилар истеъмол қилишни-ку, қўяверинг. Битта ўрта ёш беморимнинг тишлари синиб-емирилиб бораяпти. Тиббий таҳлиллар унинг организмида кальций моддаси етишмаслигини кўрсатди. Тиш пастасидан умуман фойдаланмас экан. Сўрасам: «Ҳов, ота-бобом шўр сув билан оғзини чайқаб келган, дўхтир бўлсанг, давола-да», дейди. Хуллас, даволанишнинг, шахсий гигиенага амал қилишнинг фойдасини тушунтирдим.

«Ҳов, ота-бобом шўр сув билан оғзини чайқаб келган, дўхтир бўлсанг, давола-да»

Қишлоқчилик деган тушунча бор. Шунданми, одамлар пунктдаги врач ва ҳамшираларни ўз қавму қариндошидай билишади. Ҳаёт-да, биров йиқилиб тушади, биров ишда жароҳат олади, кимнингдир фарзанди камқон, кимдир ёмон яра азобини тортади. Улар тортинмай, ўз уйларидай бу кичкина шифо масканига келаверишади. Врач тайинлаган муолажани ҳамшира бажаради. Агар врач хонадонларга, оғир бемор олдига йўқлаб кетса-чи? Ана шунда беморларга дастлабки ёрдамни бемалол ҳамшира кўрсатаверади. Беморнинг қон босимини ўлчайди, лабораторияга йўллайди. Ярани боғлаш ва бошқа юмушларни бажараётган ҳамширалар кўп бу ерда. Физиотерапия хонасида уқалаш, турли даволаниш ускуналарни қўллашни маҳорат билан адо этишаяпти.

— Шу касбнинг бошини тутганимга йигирма тўрт йил бўляпти, — дейди даволовчи ҳамшира Матлуба Ботирова. — Ишига меҳр қўймаган тиббиёт ходими беморга ёрдам беролмайди. Унинг хизматидан кўнгли тўлмаган бемор бошқа шифохона қидира бошлайди.

— Ассалому алайкум, мана мен ҳам келдим, — дейди қишлоқ врачлик пункти мудири Розия Таниқулова. — Узр, иш юзасидан Шаҳрисабзга тушгандим. Ишимиз билан танишдингизми? «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўли» Давлат дастури асосида қанча бунёдкорликлар юз берди. Энди, қишлоқдаги шифохона, поликлиника вазифасини бугун қишлоқ врачлик пунктлари бажараяпти. «Саломатлик» лойиҳалари асосида анча тиббий жиҳозлар олдик. Баркамол авлод йилида олдин бошланган хайрли ишларни давом эттирамиз. Яъни фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш мунтазам йўлга қўйилади. Юртбошимиз соғлом авлод тарбиясида оиланинг тутган ўрнига катта эътибор қаратдилар. Чиндан шундай. Биз барча фертил ёшидаги аёллар ва ўсмир қизларни рўйхатга олганмиз. Мактабларда тиббий кўрик ўтказиб борилаяпти.

Мақсадимиз — одамлар соғ-саломат бўлсин, хонадонларда соғлом болалар камолга етсин.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

Тавбасига таянмаган тадбиркор

Бугун мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўяман, ҳалол меҳнат билан пул топаман, деган кишига имконият эшиклари кенг очиқ. Аммо тўғри йўл қолиб, эгри йўлдан бориб ўзига ўзи ташвиш орттираётганлар ҳам учраб туради.

Ғиждувон туманидаги Бобоғози қишлоғида яшовчи Ойбек Шодиев эндигина ўттиз уч ёшни қоралаган бўлса-да, кетма-кет уч бора мавжуд қонунларни «айланиб» ўтмоқчи бўлгани учун суднинг қора курсисига ўтирди.

2005 йил март ойида МЧЖ ташкил этиб, унга укаси Жамшидни раис, ўзини эса бош ҳисобчи қилиб расмийлаштирди. Биласиз, ҳозир ниманинг бозори чаққон — цемент ва шиферниинг. Унга талаб катта, нархи ҳам сапчиб туради. Ёш тадбиркор ўзини шунга урди. Жарақ-жарақ пул топди-ю, лекин олинган даромаддан солиқ тўлашни хаёлига келтирмади.

Лекин, кўп ўтмай уларнинг найранглари биринкетин ошкор бўлди. Ойбек Шодиев солиқ қонунчилигини бузганлиги учун 2006 йилда жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг ҳукми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баравари миқдорида жаримага тортилди.

У бундан тўғри хулоса чиқармаган экан. Тавбасига таянмаган тадбиркор 2007 йилнинг 6 июлида энди жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман суди томонидан жавобгарликка тортилди. Унга бу гал бир йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва энг кам иш ҳақининг 80 баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Аммо, қинғирликни касб қилиб олган тадбиркор «ҳасса»сини учинчи бор «йўқотди». У солиққа оид қонун ҳужжатлари талабларини кўпол равишда бузиб, жами 1.319.412.900 сўмлик товар айланмаси амалга оширилган бўлсада, туман ДСИга топширилган ҳисоботда бу миқдорни 716.081.000 сўм деб камайтириб кўрсатган. Бу давлатга 18.100.000 сўмлик ягона солиқ тўлови қасддан тўланмади дегани. Ойбек Шодиев ўз жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 177.778.000 сўм товар айланмаси амалга оширилди, деб, ДСИга ҳисобот тақдим этади. Ҳолбуки, жамиятнинг йиллик товар айланмаси амалда 215.912.000 сўм бўлган. Бу ҳолатда ҳам 1.906.700 сўмлик солиқ тўловлари атайин яширилган. Бунинг устига О.Шодиев назорат-касса машинасини ишлатмасдан, 93.240 минг сўм нақд пулни банкка топширади.

Давлат бюджетига катта миқдорда зарар келтирган МЧЖ бош ҳисобчиси Ойбек Шодиев яқинда қонун олдида жавоб бераркан, ўз айбига тўла иқрор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Ғиждувон туман суди ҳукми билан уч йил муддатга юридик шахс ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилди ва энг кам ойлик иш ҳақининг 350 баробари миқдорида жаримага тортилди. Унга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси ҳам тайинланди. Етказилган 20 миллион сўм зарар тўлиқ қопланди.

Солиқ — бюджетдан таъминланадиган хизматчилар иш ҳақи, пенсионерлар ва ногиронларнинг нафақалари, талабалар стипендиялари ва турли ижтимоий тўловлар манбаи деганидир. Солиқни тўламай унга чап беришга уринганлар эса эл-улуснинг ҳақига хиёнат қилган бўлади.

Учқун РАЗЗОҚОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Ғиждувон туман бўлими бошлиғи.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
16201 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda